

ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТГАН ОВОЗ

4



Олимжон ТҲЙЧИЕВ,
Ўзбекистон Қахрамони:
ВАТАН УЧУН ЁНИБ
ЯШАЙЛИК!

5

ПИСТА ПҲЧОФИ:
САЛОМАТЛИККА
НЕЧОФЛИ ЗИЁН?

6



ТЕЛЕФОНДАГИ
"ТОМОША"ЛАР

8

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Муҳаммад КАРИМ
сурат-лавҳаси.

Болажонлар қувончи дунёни тўлдирсин!

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Талаба қизлар учун махсус либослар	2
Сирдарёлик келинининг қадами қутлуғ келди	3
Дунёнинг энг улуғ неъматини	3
Яхшиям сиз борсиз, она!	6
Кўнгилсиз турмуш — кўприксиз дарё	7
Тоғларнинг илдизи борлиги ростми?	7

ҲИКМАТ

Фарзанд тарбиясида ҳам ақл,
идрок, мантиқ бўлиши керак.

Абу Наср Форобий

ЛИБОС — ИНСОН КЎРКИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида «Талаба қизнинг энг намунали либоси» номли танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда пойтахтимиздаги 33 та олий ўқув юрти талабалари иштирок этишди.

Либос инсон кўрки, унинг маънавий дунёсини кўрсатувчи кўзгудир. Кийган кийимга қараб, кишининг ички оламига баҳо бериш мумкин. Айниқса, ҳозир турли соҳаларда фаолият олиб бораётган қизларимиз, аёлларимизни ўзига ярашқили, ҳушбичим либосларда кўриб ҳавас қиларимиз. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, афсуски, улар орасида айрим қиз-жувонларнинг гарбликларга тақлид қилиб, этаги калта, ёқаси жуда ҳам очик, тана аъзоларини кўз-кўз қилиб турувчи тор, юпка ва ҳарир кўйлақларда юргани ёки араб давлатларининг кийиниш услубларига эргашиб, қора чодраларга ўранганини кўрганда эса, таъбимиз хира бўлади. Бундай ҳолатлар аксарият фарзандларни ўз ҳолига ташлаб қўйган, яъни қизларининг кийинишига беътибор қараётган ота-оналар бошқараётган оилаларда учраётгани сир эмас.

— Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун, аввало, ёшларни «оммавий маданият» ҳуружларидан асраш, ахборот технологиялари, хусусан, интернет орқали кириб келаятган маънавий таҳдидларга нисбатан ёшларда кучли иммунитетни шакллантириш, талаба қизларининг ўқув даргоҳларида кийиниш ва ўзини тутиш маданиятини ошириш, миллий қадриятларни ёшлар руҳига сингдириш зарурдир, — дейди танлов ҳакамлар ҳайъати раиси,

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова. — Бугунги беллашув шунчаки гўзаллик танлови эмас, балки талаба-қизларнинг энг бетакрор, энг намунали либоси қандай бўлишини кўрсатувчи ойна, десак муболага бўлмайди. Ушбу танловда



ғолибликни қўлга киритганлар эртага оиласига, ўзи яшайдиган маҳалласига, қолаверса, Ватанига фойдаси тегадиган қизлардир. Уларнинг ўзини тутиши, қилаётган ишлари эса тенгдошларига ибрат-намуна бўлади.

Танловда иштирок этган Рушана Мустафоева (ЎзДЖТУ), Малика Рўзиева (ЎЗМУ), Наргиза Мусабоева (Тошкент давлат молия институти), Шахзода Қобилжонова (Турин Политех-

ника институти), Мафтуна Мираҳмедова (Тошкент Тиббиёт академияси) сингари олий ўқув юртларидан келган талаба қизлар тенгдошларига ўзига хос ранг ва бичимдаги намунали либосларни тавсия этишди.

— Талаба қизнинг кийими, аввало, қулай бўлиши керак, чунки у кун давомида ўқийди, ёзади, — дейди танлов ғолиби, **ЎЗМУ журналистика факультети 2-курс талабаси Малика Рўзиева.** — Рухшуносларнинг фикрича, оқ-қора ва кулранг тусдаги либос кишининг ўзига бўлган ишончини янада ошираркан. Шунинг назарда тутилган ҳолда, талаба қизларга оқ кофта ва тиззагага узунликдаги қора юбка, салқин об-ҳавода эса қора кофта билан кулранг костюм-юбка кийишни тавсия қилардим. Сочлар ҳам ҳалақит бермаслиги учун, илоҳи борича, йиғилиб тургани маъқул.

Танловда барҳаёт аъналаримиз, ўлмас қадриятларимизни янада кенг-роқ тарғиб этишимиз кераклиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ойбек Ҳамроқулов ва Алишер Файз дилтортар кўшиқлари билан тадбирга ўзгача ғош улашишди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг шеър ва кўшиқлари янгради, шунингдек, тадбир якунида ғолиблар совғалар билан тақдирландилар.

Талаба — илм олиш, муайян соҳани эгаллаш йўлида ҳаракат қилаётган зиёли қатламнинг кенжа вакилидир. Шундай экан, унинг кийиниши, ўзини тутиши ҳам атрофдаги тенгдошлари ҳавас қиладиган, ўрнатилган даражада мукамал бўлмоғи лозим. «Талаба қизнинг энг намунали либоси» кўрик-танлови айнан олий таълим муассасалари талабаларининг ўқув даргоҳида намуна сифатида кийиши мумкин бўлган либосларни тарғиб этиш йўлидаги самарали тадбирлардан бири бўлди, десак янглишмаймиз.

Зарина РАҲМОНОВА,
«Оила ва жамият» мухбири.

ОБОДЛИК РИШТАЛАРИ

Фуқароларнинг турмуш даражаси ва сифатини белгилашда нафақат уларнинг даромади, балки яшаш шароити, обод ва замонавий уй-жойлар билан таъминлангани, зарур инфратузилманинг мавжудлиги муҳим мезон ҳисобланади.

Шу боис Президентимиз ташаббуси билан республикамизнинг барча ҳудудларида муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган кўплаб янги уй-жой массивлари барпо этилмоқда.

Шаҳардагидек шароитга эга бўлган бундай муҳташам уйлари қуриш ишлари жорий йилда янада кенгрок тус олгани қувонarliдир. Бинобарин, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш, даражаси ва сифатини ошириш масаласи устувор вазифалардан бири этиб белгиланган.

Маълумки, мамлакатимизда яқка тартибдаги замонавий турар-жойлар, ижтимоий иншоотлар, маиший хизмат кўрсатиш объектиларининг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқиш, уларни сифатли ва мустаҳкам қилиб қуриш, шунингдек, молиялаштириш бўйича муқобили йўқ ноёб тизим яратилган. Унга кўра, бўлажак уй соҳибларига ҳам кўплаб имтиёз ва қулайликлар берилганки, бу аҳолининг, айниқса, ёш оилаларнинг шахсий уй жойига эга бўлишлари учун кўрсатилаётган гамхўрликнинг аққол ифодасидир.

Ушбу йилда 253 та қишлоқ мавзесида 10 мингта уй-жой қурилиши учун 1,4 триллион сўм ажратилиши белгиланган эди. Ушбу маблағлар «Қишлоққурилишбанк» дан ташқари, «Ипотекабанк» ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банк кредитлари ҳисобига шакллантирилаётгани диққатга сазовордир. Хусусан, ўтган беш ой ичида республикамизнинг мазкур етакчи молия муассасалари томонидан қарийб 450 миллиард сўмлик кредитлар ажратилгани бунинг тасдиғидир.

Бундан ташқари, қишлоқ аҳолисининг уй-рўзгор буюмлари ва маиший техникаларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун 13,1 миллиард сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалари учун эса 302 миллиард сўм миқдорда кредитлар берилди.

Буларнинг бари қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш, қиёфасини тубдан ўзгартириш, энг асосийси, аҳоли ҳаётининг сифатини янада яхшилашга хизмат қилади.

Манзура АКРОМОВА,
Сирдарё тумани 1-сонли ФХДЭ бўлими мудир.

ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗИЛДИ

«Соғлом авлод учун» халқроқ хайрия жамғармаси томонидан мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш, шунингдек, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида бир нечта хамкорлар билан биргаликда жадал суратда ишлар олиб борилмоқда. Жамғарманинг республикамиздаги тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари маҳаллалар ва қишлоқлардаги аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиб, соғлом турмуш тарзини тўғри шакллантириш мавзуларида тиббий маслаҳатлар беришмоқда.

2013 йилнинг 9 ойи давомида республика тиббий-ижтимоий патронаж кўчма бригадалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 851 та қишлоқ ва 2274 та маҳаллаларидаги 36 604 та оиланинг ижтимоий шароити, улардаги психологик муҳит ва болалар соғлиги ўрганилди. Тиббий кўрик давомида жами 175 403 нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Шундан аёллар 84 202 (68 069 нафари туғиш ёшида ва 16 133 нафари кекса аёллар); болалар 45 705 нафар; ўсмирлар 36 121 (29 325 нафари ўсмир қизлар); эркаклар 9375 нафар, 6924 нафарни ногиронлар ташкил қилди.

Ушбу хайрия тадбирларини давом эттириш мақсадида жорий йилнинг 3-4 октябрь кунлари жамғарма тиббий-ижтимоий марказида «Ариран» пансионати қариялари тиббий кўриқдан ўтказилди.

Барно МИРОДИЛ қизи,
«Оила ва жамият» мухбири

Қарор ва ижро ИМТИЁЗЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимизда рақобатбардор, юқори сифатли озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини янада тўлдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу соҳа ривожига туб бурилиш ясади. Ушбу қарорда кўрсатилганидек, 2014 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайтирилди. Бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга, шу жумладан, янги лабораториялар барпо этиш ва мавжудларини жиҳозлашга, янги мажсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, шунингдек, хом ашё базасини ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтириши белгилаб қўйилди. Шунингдек, гўшт ва сут етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашга фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланмайдиган рўйхатларга мувофиқ, четдан олиб келинадиган технологиялар ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентларни божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинди.

Қарор тегишли тармоқ корхоналарини ривожлантириш, замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган корхоналарни жадал барпо этиш, шу асосда янги иш ўринларини шакллантириш, кўпроқ фуқароларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини оширишга, шулар орқали мамлакатимиз бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган арзон ва ташқи бозорда рақобатбардор озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга йўналтирилган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича туманимизда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, ана шундай фаолият тури билан шуғулланаётган тадбиркорлар ўртасида бу ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш билан боғлиқ тадбирлар изчил олиб бориляпти. Тумандаги мавжуд 4 та корхона берилган имтиёزلардан самарали фойдаланмоқда ва натижада жорий йилнинг биринчи ярмида 411,7 млн. сўм миқдоридида маблағ улар ихтиёрида қолдирилди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда юқори сифатли озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Ботир МУҚИМОВ,
Тошкент шаҳар
Шайхонтоҳур туман ДСИ
бўлим бошлиғи.

...Дилоромхон пойтахти азимнинг қоқ марказида яшаса ҳам қишлоқдаги келинлар сингари барвақт уйғонади. Саранжом-саришталикни ёқтирадиган қайнонасига, тўқис хонадонга муносиб келин бўлишга интилади. Келин бўлиб тушган жойи — катта даргоҳ. Меҳмонларнинг қадами узилмайди.

Юз ёш билан юзлашаётган Мавжуда буви ҳамда Башорат буви неварга келинлари Дилоромхонни бошқалардан ортиқроқ эрқалашади. Негак у кўнгилга йўл топишни, кексаларга қандай хизматда бўлишни яхши билади. Ширин сўзи, очиқ чехраси билан уларнинг кўнглини кўтарди.

— Дилоромхон, кеч ётгандингиз қизим, яна барвақт уйғонисиз, озгина дам олсангиз бўларди, — дейди қайнонаси 62 ёшли Ферузахон. — Бугун дам олиш кунини ахир.

Дилоромхон бу гапларга мийғида кулиб кўяди. Қайнонаси — ҳамкасб устозининг меҳрибончилигидан севинади. Дарвоқе, Феруза опа Бирлашган Миллатлар Ташкилотига хизмат қилади, инглиз тилини мукамал билади, кўнгилга қараб иш тутадиган, ниҳоятда муносиб ва дилбар аёл. Катта ойижонлари, яъни қайнона-қайнонасининг оналари эса хонадонда хурмату иззатда. Кексалари бор уйнинг файзи, барокати бошқача бўлади-да.

Дарвоқе, Дилоромхон Рустамбекова келин бўлиб тушган Тошкент шаҳрининг Юнособод туманидаги хонадонга кўпчиликнинг ҳавас қилади. Беш нафар овсин бир-бирига ахил, худди туғишган опасингиллардек меҳрибон. Бу хонадонга келин бўлаётганида узоқ йиллар мактабда

ҚАДАМЛАРИ ҚУТЛУФ КЕЛИН



дарс берган дадажониси Йўлдош Эргашев шундай деганди: "Қиз боланинг ҳақиқий бахти оиласида, қизим. Агар қайнона-қайнотангнинг хурматини жойига қўйсанг, овсинлар билан, умуман, шу хонадон аҳли билан иноқ бўлсанг, бир умр бахт оғушида яшайсан".

"Онам рози бўлсин, десанг, шундай ўғлини сенга ишониб, дуо қилиб ўтирган ота-онасини иззат қил, айтганларини сўзсиз бажар. Энг аввало, эрининг кўнглига қара, эркакнинг сендан бир марта кўнгли қолса, ўртадан меҳр кўтарилари. Болаларингдан ҳеч қачон оналик муҳаббатини аяма, токи, қариганингда сендан нари кетишмасин", деб бу насиҳатга қўшимча қилгани онажониси, устоз муаллима, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими аъло-

чиси Зулхумор Жўраева.

Ҳа, Дилором бу дуоғўй зотларнинг панду насиҳатларига амал қилиб кам бўлмади. Баъзи ўқимишли келинларга ўхшаб кеккаймади, келди-кетди кўпайганида қовоғидан қор ёғмади, юмушлар кўпчилигидан оғринмади. Имкони борича рўзгорнинг иқир-чиқирларини бажаришга уринди. Ҳозир ҳам катталарга хизматда, кичикларга иззатда. Бу ишлар унга одатий ҳолга айланган.

Сирдарё шаҳрида туғилган Дилоромхон болалигиданоқ уй-рўзгор юмушларига қизиқиб ўсди. Мол-ҳолга қарашми, паррандачиликми, супурсидир, пишир-қуйдирми, ҳаммасига улгуришга интиларди. У чет тилини севаар, шу соҳанинг етук мутахассиси бўлишни орзуларди. Ана шундай ёруғ ниятларни рўёбга чиқармоқ умидида Ўзбекистон дав-

2013 йил — Обод турмуш йили

лат жаҳон тиллари университетининг инглиз тили факультетига ўқишга кирди. Аълочи талабалар сафидан ўрин эгаллаб, тил ўрганди, билимини бойитиб борди. У пойтахтда яшашни, нуфузли идорада меҳнат қилишни жуда-жуда истарди. Яхши ният — ярим давлат, деганлари рост экан. Тақдир йўллари туташган эканми, ҳар томонлама ўзига мос дидли ва билимли йигит Нозимбек Рустамбековга турмушга чиқди. Қайнонаси Мансурбек ака унга мутахассислиги бўйича ишлаши учун шароит яратиб берди. У ёш бўлишига қарамай, Абдулла Авлоний номлидаги республика малака ошириш институтига услубчи сифатида ишлаб, жамоанинг хурматини қозонишга улгурди.

— Биз фарзандларимиз Фаррухбек ва Умарбекларнинг келажакда эл қорига ярайдиган зиёли инсон бўлиб вояга етишларини чин дилдан ораймиз, — дейди сўхбат орасида Дилоромхон. — Ҳозирги кунда Фаррухбек мактабда аъло баҳоларга ўқияпти. Теннис билан шуғулланади. Машхур спортчимиз Ирода Тўлаганованинг сеvimли ёш шогирдларидан бири. Умарбек эса боғчада тўрт марта "Умкин" яъни "Ақлли" медалини олишга улгурди. Ҳозир болалар тарбияси билан шуғулланиб, уйда ўтирган бўлсам-да, ўз устимда ишладан тўхтамайман. Инглиз тилида кўпроқ бадий асарлар ўқийман. Тил билганга дунё кенг, дейишадик-ку. Келин бўлиб тушган хонадонимга ҳаммамнинг ҳаваси келади. Ойижоним ва дадажоним, кат-

та ойижонларим ҳаммалари маданиятли, маърифатли инсонлар. Уларга хизмат қилиб, дуоларини олиш ҳам саодат. Турмуш ўртоғим билан ҳамфикрмиз. У киши ўз соҳасининг жонқуярларидан, малакали иқтисодчи. 2012 йилда самарали хизматлари туфайли Президентимиз Фармонига биноан "Шўхрат" медали билан тақдирланди. Фарзандларимиз ҳам худди ота-оналаримиз каби элнинг ардоғида бўлишса, деб ният қиламиз. Энг муҳими, мен тарбия топган хонадонда ҳам, келин бўлиб тушган оиламда ҳам китобни севадиган, ардоқлайдиган чин маърифатпарвар инсонлар яшашади. Бу эса ортимиздан келаётган фарзандларимизга аталган энг улугъ бойликлардир.

Дарвоқе, илмни, зукко ва меҳрибон, ниҳоятда камсуқум шундай аёлларимиз, ораста келинларимиз бор экан, оналаримизнинг умрларига умр қўшилиши турган гап. Ободлик — оиладан бошланади. Ўзининг суюкли хонадонидан, оила даврасида тинчлигини, хузур-ҳаловатини топа олган Дилоромхон келгусида ўз касби бўйича фаолият юритиб, бор билим ва кўникмаларини амалда қўллаш орзусида яшаётир. Муҳими, юртимизнинг равнақи, жамият ривожини учун муносиб ҳисса қўшаётган бундай фидойи ва заҳматқаш аёллар ҳаётимизнинг янада қароғон, файзли, соғлом ва обод бўлишида муносиб ҳисса қўшишларига шубҳа йўқ.

Норинисо ҚОСИМОВА,
"Оила ва жамият"
муҳбири.

ИССИҚ НОН ТАФТИ

Дунёда нондек улугъ, мазали неъмат бўлмас керак. Уни дастурхонларимизга етказиб берувчи новвойларнинг машаққатли ва заҳматли меҳнатига эса ҳаммиша таҳсинлар ўқийман. Улуғбек ака Болтаев ҳам ана шу йўлда тиним билмай меҳнат қилаётган ҳамюртларимиздан бири. Шу касби туфайли хонадонини

маси раҳбари Улуғбек Болтаев. — Ана шу иштиёқ туфайли новвойлик касбини танладим. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни истаганларга кенг йўл очилди. Им-

Замондошларимиз



обод, рўзгори тўқин.

— Болалигимда тандирга нон ёпаётган онамнинг ҳар бир ҳаракатини ҳавас билан кузатардим. Иссиқ кулчаларни ёпгим келарди, — дейди **Оққўрғон туманидаги "Болтаев Улуғбек" хусусий фир-**

кониятлардан фойдаланиб, биз ҳам 2007 йили 6 нафар ишчи ўрнига эга кичик нон ишлаб чиқариш цехини ишга туширдик. Меҳнатчилган одам кам бўлмади экан. Айни пайтда аҳолига, қорхона ва ташкилотларга ойига 33-34

минг дона қолипни нон етказиб бераёламиз. Иш самарадорлигини ошириш ва ишчиларимизни рағбатлантириш мақсадида цехимизда иссиқ овқат ва дам олиш учун қулайликлар яратилган. Мана шу ишимиз хонадонимизга барака

олиб кирди. Ўзингизга маълум, бугунги кунда ҳар бир соҳани янги технологиялар қамраб олмоқда. Биз ҳам келгусида нон ишлаб чиқариш цехини кенгайтириб, замонавий технологиялар асосидаги курилмаларни олиб келиб ўрнатишни режалаштиряпмиз. Агар бу мақсадимиз ҳам амалга охса, цехимизда иш ўринлари янада кўпаяди.

Улуғбек аканинг ота-онаси Рустам ака ва Моҳирахон опа ўғилларининг элу юрт ишига камарбаста эканидан жуда мамнун. Унинг ишлари ривожини талаб дуо қилишадим.

— Атрофингиздаги одамларга фойданг тегаётганини ҳис этиб яшашдан кўра улугъроқ бахт бор эканми, — дейди Рустам ака. — Улуғбек эзгу ниятлар билан янги-янги режалар тузади. Асли болалигида ҳам жуда ҳаракатчан эди. Ҳалигача тиниб-тинчимайди. Болани ёшлигидан меҳнатга ўргатсангиз, кейинчалик унинг роҳатини кўравераркансиз.

Улуғбек Болтаевнинг бемалол дам олиб, вақтини беҳуда ўтказганини ҳеч ким айтолмайди. Уни ҳаммиша иш устида кўрасиз. Сергайратлиги, ҳаракатчанлиги туфайли нафақат ўз оиласининг, балки цехдаги ишчиларнинг хонадонлари ҳам кундан-кунга обод бўлиб бормоқда.

Нигора ўРОЛОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.

РЕКЛАМА ўРНИДА.

МЕДИАТАЪЛИМНИНГ ўРНИ

Тадбир

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган "Муштақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар, эришилган натижалар истиқболдаги вазифалар" мавзусидаги матбуот анжуманида журналистларнинг дизайнлик санъатига, саҳифалаш, фото ва интернет-журналистикага, веб-сайтта ишлашга ўқитиш ҳамда соҳадаги қонунчилик базаси билан таништириш борасида сўз юритилди. Шунингдек, журналист кадрлар тайёрлаш ва олий ўқув юрларида медиатаълимни олиб бориш жараёнлари хусусида ҳам батафсил тўхталиб ўтилди.

— Бугунги ахборотнинг глобаллашуви жараёнида ёш журналистларимизда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш, миллий-маънавий қадриятлар асосида иш қўриш, умуман, уларни етук мутахассислар қилиб етиштириш факультетлар, педагог кадрларимиз олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади, — дейди **ЎЗМУ журналистика факультети декани Махлиё Мирсоатов.** — Айни пайтда факультетимизда бўлажак журналистларга алоҳида ахборот соатлари махсус курсларда ўтиляпти. Бундан ташқари, интернетдан ахборот олиш, уни ОАВга етказиб беришни батафсил ўргатиш учун кўпроқ дарс соатлари ажратиш керак, деб ўйлайман.

Тадбир доирасида мутахассислар иштирокида касбий фаолиятни фаоллаштиришнинг янги соҳа шакллари белгилаш бўйича ахборот соҳаси олдида турган кенг қамровли вазифалар хусусида ҳам атрофича сўз юритилди.

Гулноза БОБОЕВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.

— Муяссар опа, фахр билан айтишимиз мумкин-ки, мустақиллик йилларида ўзбек опера санъатида янги давр бошланди. Айникса, бутунжаҳон микёсида эришилган муваффақиятлар алоҳида таҳсинга лойик.

— 1990 йилларда ўзбек опера санъати жуда қийин кулларни бошидан кечирганини кўпчилик яхши эслайди. Уша пайтда санъатни тушунмайдиган айрим калтабин одамлар опера ўзбеклар учун ёт, уни халқимиз барибир қабул қилмайди, деган фикрларни ўртага олиб чиқишди ва ҳатто Самарқанддаги опера театрини ёпишга ҳам улгуришди.

Аммо юртимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз барча санъат турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратдилар. Каттакатта сахналарда куйлашимизга имконият яратилди. Бундай саъй-ҳаракатлардан руҳлиб, операнинг жаҳон санъати эканлигини исботлай олдик.

С.Юдаковнинг "Майсаранинг иши" операсида Ойхон, М.Ашрафийнинг "Дилором"ида Дилором, Мустафо Бафоевнинг "Умар Хайём" операсида Феруза, Ж.Вердининг "Травиатта"даги Виолетта, "Реголетта"даги Жильда, "Бал маскарад"даги Оскар, Доницеттининг "Лючия ди Ламмермур"идаги Лючия партияларини жаҳон сахналарида куйладик. Абдулла Орипов, Омон Матжон, Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Хусниддин Шарипов каби шоирлар ва Мустафо Бафоев, Рустам Абдуллаев, Анор Назаров каби бастакорлар билан ижодий ҳамкорликда яратилган, мустақиллик даври билан ҳамнафас бўлган лирик кўшиқлар ўша давр кўшиқ санъатининг энг нодир дурдоналарига айланди ва истиқлол йилларининг бошиданок янги давр операси шаклланди. Бу соҳада янги кадрлар, ёш композиторлар етишиб чиқди.

Уша кезлари хорихдаги концерт дастурларида опера йўналишида куйлайдиган аёл кўшиқчи ёлғиз ўзим эдим. Бугунги кунда эса сафимиз ёш истеъодлар билан кенгайган. Улар орасида бутун Европа ва Осиё давлатларидаги операчилар билан тенглаша оладиган ёш хонандаримиз бор. Уларнинг яратган қатор симфоник асарларида гоёвий мазмун чуқурлашганини, бу санъатнинг шакл ва услуби мукаммаллашганини, миллий анъаналар муштараклигида замонавий симфоник тафаккур турлари юзага келганини кўриб бениҳоя қувонамиз.

— Кўплаб хорихий

ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТГАН ОВОЗ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат академик катта театрининг солисти, Ўзбекистон ҳамда Қорақалпоғистон халқ артисти Муяссар Раззоқованинг бетакорро ва соҳир овози нафақат юртимизда, балки кўлаб хорихий мамлакатларда ҳам талабчан ва зукко мухлисларнинг эътирофи ва ҳайратига сазовор бўлганлиги билан қадрлидир.



мамлакатлар сахналарида ўзбек тилида опера ва ариялари куйлагансиз. Тилимизни тушунмайдиган тингловчилар билан санъаткор сифатида ўзаро мулоқотга киришиш қийин кечмайди?

— Германия, Франция, АҚШ, Испания, Италия, Венгрия, Туркия каби мамлакатларда ижодий сафарларда бўлганимда мухлислар бизни ҳамиша яхши қабул қилишган. Мана, яқиндагина Венгрияга уюштирган ижодий сафаримиз жараёнида кўплаб концертлар намойиш этдик. Ўзбек тилида ижро этилаётган асарларни тингловчилар кўзларида ёш билан тингладилар. Тўғри, улар бизнинг тилимизни тушунмаслиги мумкин, аммо мусиқа ва ижро оҳанги ҳамма кўнгилларни бирдек эритади.

— Операни қаттиққўл санъат тури дейишади. У фақат жонли тарздаги ижронини тан олади. Бундай талаблар бу йўлга қадам қўяётган ёшларни чўчимайдими?

— Ҳа, бу санъат тури фонограммани тан олмайди. Овознинг барча оҳанглири фақат жонли ижрода ўзини намойиш этади. Бу йўлни танлаган ёшлардан ижронинг кичик унсурларига мукамал ўрганиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам бу соҳа остонасида иккиланиб турганларга опера жуда қаттиққўл санъат эканлигини тушунтирамиз. Агар унинг меҳнат ва заҳматига дош бера олмаса, ёшларимиз бошқа соҳадан борганлари маъқул. Мана, яқинда Юртбошимиз то-

монидан таъсис этилган "Нихол" мукофотининг навбатдаги 15 нафар голибларини аниқладик. Санъат оламига илк қадамларини қўяётган ушбу истеъодлар орасида опера ижрочилиги бўйича қорақалпоғистонлик Науризбек Маҳаммаддиёров ва Қашқадарё вилоятидан тақлиф этилган Абдулла Шириновлар номини алоҳида айтиб ўтишни истардим. Уларнинг бу соҳага бўлган иштиёқи кўзларидан, шижоатларидан сезилиб турибди. Ўзбек операсининг қолажаги ана шундай иқтидор соҳиблари қўлида эканлигидан кўнгилларимиз хушнуд бўлади.

— Юртимизда ўтказилаётган халқаро санъат фестивалларининг кўлами кенгаймоқда. Истеъодли ёшларни тарбиялашда бу тadbирлар нечоғли аҳамиятга эга деб ўйлайсиз?

— Мамлакатимизда 2007 йилдан буён ўтказиб келинаётган "Тошкент баҳори" халқаро опера ва балет санъати фестивали хорихда кенг жамоатчилик ўртасида катта кизиқиш уйғотди. Шу боис бу тadbир аънавий тус олди. Фестивалга чет давлатлардан малакали кўшиқчилар, бастакорлар, театр продюсерлари ва менежерлари ҳам ташир буюришяпти. Масалан, жорий йилнинг май ойида ўтказилган ушбу фестивалга Италия, Россия, Беларусь ва Украинадан опера санъатининг ёрқин намоёндалари келиб, ўз ижод намуналарини намойиш этишди. Албатта, бу каби фестивалларнинг ўтказилиши опера ва



Гурун г

кўшиқчиликка кириб келаётган ёш ижрочилар учун катта бир мактаб вазифасини ўтайди, десак муболага эмас. "Тошкент баҳори" фестивалининг ташкил этилишидан мақсад — ўзга юрт операчилари билан малака алмашиш, ҳамкорликда ишлаш, ва, албатта, дўстлик ришталарини йўлга қўйишдан иборат эди.

Аммо ростини айтсам, ўтказилаётган бундай фестиваллардан бирмунча кўнглим тўлмайди. Нега десангиз, хорихий мамлакатлардан келаётган айрим операчилар бизнинг иккинчи, учинчи даражали ижрочиларимиз билан тенглаша олади, холос. Бу фестивалнинг камрови янада кенгайишини, ривожланишини ҳамда унда дунёнинг энг малакали операчилари ҳам иштирок этишини истардим.

— Кўпчилик санъаткорларнинг фарзандлари отанаси изидан бориб, кўшиқ айтяпти. Айримлари унча-мунча муваффақиятга ҳам эришяпти. Сизнинг фарзандларингиз қайси йўлни танлашган?

— Тўнғич ўғлим Жавлонбек мактабда тўққизинчи ва кичиги Жавохирбек тўртинчи синфда таҳсил олишмоқда. Иккаласи ҳам опера санъатини жуда хурмат қилишади. Аммо улар бир неча чет тилларини мукамал ўрганиш ниятида изланишмоқда. Рус, инглиз ва япон тилларида сўзлаша оладилар. Ўғилларим мустақил юрт фарзандлари. Улар ўз қолажаги учун аниқ бир мақсадни танлаб, унга эришиш учун курашади, изланадиган авлод. Шунинг учун ҳам уларнинг эртанги кунидан кўнглим тўқ. Бугунги давр нафақат менинг болаларимни, балки Ўзбекистондаги барча фарзандларини ҳам буюк қолажақ сари ишонч билан интилишга даъват этаётганини биз ота-оналар учун берилган улуг инъом, азиз неъмат деб биламан.

Мана, яқинда мустақиллигимизнинг 22 йиллик қутлуг тўйини нишонладик. Ҳар йили истиқлол шодиёнаси арафасида юртимизга хорих мамлакатлардан минглаб меҳмонлар келишади. Уларнинг "Ўзбекистоннинг меҳроқибати, улуг аъналарга бой ва меҳмондўст халқ эканлигига ҳавасимиз келади", дея таҳсинлар айтганига ўзим кўп бора гувоҳ бўлганман. Тилагим, доимо она Ватанимизнинг довруғи тилларда дoston бўлиб, дунёнинг энг нурафшон диёрига айланаверсин.

"Оила ва жамият" мухбири Барно МИРЗААХМЕДОВА суҳбатлашди.



КЎЗИТЕРИ — чопон ё кўрпани қавишда ишлатиладиган шундай усул бор. Кўзитери услубида қавишда игна ўринлари бир хил нуқтада эмас, турли ўринларда бўлиши талаб этилади. Шу хилда қавиш натижасида қавилган буюм кўзи терисига ўхшаб кўринади.

НАФОСАТ — "Нафосат" "нафис" сўзининг кўплигидир. "Нафис" сўзининг туб илдизи "қимматбаҳо бўлди" деган мазмунни англатган. "Нафосат" сўзи "нафислик", "гўзаллик", "латофат" мазмунини ифода-лаб келади.

Нафис чайқалади бир туп наъматак Вижор-ла ўшмайган қоя лабида.
Ойбек

ТАМАДДУН — бу сўз тилимизда "маданият", "тараққиёт" маъноларини англатади. "Тамаддун" сўзи "маданият" сўзига бориб тақалиши унинг шаклидан кўриниб турибди.

Бизнинг юртимиз қадим-қадимдан тамаддун бешиги бўлиб келган.
Газетадан

НАҲОР — тилимизда бу сўз "эрта тонг", "тонг-отар" маъноларини англатади. "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да изоҳланишча, "наҳор" сўзи, асосан, "кундуз" деган мазмунни ифода-лаган, унинг туб илдизи "тез оқади" деган маънони англатган.

Неъмат наҳор туриб, уйи ортидаги боғни айланишни одат қилган эди.

Журналдан

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

Газетхон илҳоми

*Билмайин босдим қадам, бу муҳаббат бўстонига,
Шул сабаб, эрмак бўлдим чин ошиқлар достонига.*

*Не ажабки, ушбу қисмат бошга тушиши кўнмишам,
Энди махрам бўлгим мангу ҳижронларнинг домига.*


*Ул сарвиноз самодадир, тунда балқир ой каби,
Не ҳасратки, мен чиқолмам ул санам осмонига.*

МУҲАББАТИМ

*Лек ундан кечолмасман, бандиман гул юзига,
То абад сажда қилдум севгининг меҳробига.*

*Ташнадурман дийдорига, висолин кўмсарман,
Ғарқ бўлсам дер телба кўнгул ишқининг гирдобига.*

*Бул Муҳаммад, мадҳ этаркан севгининг шаробини,
Бир дарахт ўтқазсам дер муҳаббатининг боғига.*



Муҳаммад МАЛИК,
Тошкент Молия академик лицейи ўқитувчиси, физика-математика фанлари номзоди, доцент.

БОЛАЛИК ОРЗУЛАРИ

...У пайтлар Олимжон ака хали бола эди. Уйлари ёнидан вагонларини судраб ўтаётган поездларга хайратланиб қарарди. Вагонларига эски-туски темир-терсақларни, яроқсиз ҳолга келган машиналар, трактор ва турли техника бўлақларини юклаган поездлар эса металлургия комбинати томонга тинимсиз ўрмалайверарди. “Шунча темирни нима қилишаркан”, деган саволига анча пайтгача жавоб излагани рост. Кейинчалик уларни эритиб, қайта ишлаб, янги асбоб-ускуналар, техник анжомлар яратилиши ҳақида эшитганида бола қалбида яна янги-янги хайратлар уйғонди. “Улар қандай эритилди ва қай йўсинда янги шаклда қайта ишланади”, деган саволлар унга тинчлик бермай қўйди. Бу жараёни ўз кўзи билан кўриш иштиёқи бугун вужудини қамраб олганди. У металлургия яратувчи инсонлар тимсолида тасаввур эта бошлади. Улар ҳақида кундан-кунга кўпроқ маълумот олишга интилар, отасини ҳоли-жонига қўймай саволга тутарди.

“Бу иш осон эмас, унинг замирида қанчалик машаққатли меҳнат ётишини тасаввур ҳам этолмайсан. Бу хунарнинг оғир меҳнатига дош берганларгина барака топадилар. Меҳнат фахрийси, ҳамшаҳримиз Қосим ота Фармонов ана шундай инсонлардан бири”, дерди падали бузруквор. Бу гапларни эшитгач, унинг қалбида металлургия комбинатида ишлаш ва шу хунарни астойдил ўрганиш истаги пайдо бўлди...

ҲАЁТ ДАРСИ

Интилганга толе ёр, деган гап бежиз айтилмаган. 1985 йилда Олимжон ақанинг орзуси ушалди. Металлургия комбинатига ишга кирган кундаги қувонч ҳалигача кўнглига хузур беради. Оғир саноатнинг меҳнати ўз номи билан оғир. Аммо Олимжон акага комбинатдаги ишлар унчалик машаққатли туюлмади.

— Киши ўзи орзу қилган касбининг эгаси бўлса, қийинчиликлар уни бу йўлдан чекинтира олмас экан, — дейди Олимжон Тўйчиев. — Айниқса, устозларинг, елкадош қадрдонларинг, ҳамшаҳрларинг суяч бўлиб турганини ҳис қилсанг, машаққатлар мутлақо сезилмас экан. Илк бор ишга келганимда Петр Вильямс, Виктор Жўраев, Иван Кудряшов, Анатолий Анохин, Ўзбекистон Қахрамони Александр Фармонов, меҳнат фахрийси Асад ака Эргашев каби устозларим ўзларининг ўғитлари, йўл-йўриқ ва кўрсатмалари билан мени қўллаб-қувватлашган, далда беришган. Улар нафақат иш борасидаги тажрибаларини, балки оилада, ҳаётда, инсонлар билан муамала-муносабатларда ўзимизни қандай тутишимиз кераклигини ҳам қўматли ўғитлари орқали бизга сингдиришган. Устозларимдан меҳнатсевар-

ликни ўргандим. Улар менга одам ўз касбини пухта эгаллашига элу юрт рабнақи йўлида хизмат қила олиши мумкинлигини ўргатишди. Раъно Мамадалиева, Ўлмас ака Турсунов, Осие опалар эса мактаб партасидан бошлаб менга ҳаёт дарсидан сабоқ беришган. Бугун мана шу касбим туфайли қандай ютуқларга эришган бўлсам, бунда ҳар бир устозимнинг алоҳида ҳиссаси бор.

ОИЛА — ҚАДРОН ҒЎША

Ўз имкониятларини юзага чиқара олмай, қайси касбининг этагини тутишни билмай, ҳаёт йўлларида туртиниб-суртиниб умргузаронлик қилаётган одамлар ҳам орамизда учраб туради. Улар учун енгил юмушлар ҳам зилдай оғир туюлади. Яна шундай бир тоифа одамлар борки, улар кўнглига чўғ солган ишининг этагини

**Олимжон ТўЙЧИЕВ,
Ўзбекистон Қахрамони:**

**ВАТАН УЧУН
ЁНИБ ЯШАЙЛИК!**

Олимжон Тўйчиев ҳақида гап кетганда, бекободликлар фахрийфтихор билан «Бу одам бизнинг қахрамонимиз» дейишади. Кўп йиллардан бери «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида пўлат эритувчи бўлиб ишлаб келаётган Ўзбекистон Қахрамони Олимжон Тўйчиев бугун ўз ҳаёти мисолида меҳнат инсонни улуглайди, деган пурҳикмат гапнинг исботини кўради.



тутиб, шу соҳанинг билимдонларига айланадилар ва бажараётган ишидан, ўз касбу қоридан кўнгли тўлиб, бахтиёр ҳаёт кечирадилар. Олимжон ака Тўйчиев ҳам ўз касбига болалигидан меҳр қўйгани сабаб фарзандларига бу борада тўла эркинлик берди. “Қайси касбининг этагини тутсангиз ҳам унга меҳр беринг, ундан завқ олинг, шундагина кам бўлмайсизлар”, дея болалик давриданоқ улар-

нинг қулоғига қўйди. От изини той босар, деганларидек, Азизбек ота изидан борди. Айни пайтда у «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида чилангар сифатида фаолият юритмоқда. Наргиза эса онаси Лолахон Тўйчиева сингари тиббиёт соҳасига меҳр қўйди.

Фарзандлари ота касбини улуг тутиб гапиришганида, “Дада, сизнинг танлаган йўлингиз ва касбингиз билан фахрланамиз”, дейишганида ўтган умридан Олимжон ақанинг кўнгли гурурга тўлади. Ахир фарзандлари ундан андоза, ибрат олишини, қилаётган ишларидан фахрланишини қайси ота истамайди, дейсиз...

ЮКСАК ЭЪТИРОФ

2009 йил. Юртимиз истиқлолининг 18 йиллик байрами шодиёналарига кизгин ҳозирлик қўрилаётган палла. Мамлакатимизда барча соҳалар каби

оғир саноатда ҳам залворли ютуқларга эришилган. Энг муҳими, обод ва озод юртда яшаш бахти одамларнинг руҳиятига, ҳаётига янгилинишлар олиб кираётган эди. Ана шундай шуқхли кунларнинг бирида Президентимиз Фармонига биноан Олимжон Тўйчиев бир гуруҳ ҳамюртларимиз қаторида Ўзбекистон Қахрамони унво билан тақдирлангани ҳақида хушхабар тарқалди.

Ифтихор

Бир зумда Бекободда байрам бўлиб кетди. Кутловлар, табриқлар тинмади. Камтарин меҳнатининг шундай юксак ва шарафли унвонга муносиб қўрилгани Олимжон ақанинг бир қувончига минг қувонч қўшди. Металлургия комбинатининг электрда пўлат эритиш цехида фаолият юритаётган оддий, камсукум инсон учун бу жуда юксак эътироф эди.

— Меҳнат қилган элда азиз, деганлари рост экан. Уша хушхабарни эшитган онларимдаги қувонч ҳаяжоним бир умр юрагимга муҳрланган. Бугун юртимизда истиқлолни қадрлаб, ҳалол яшаётган ҳар бир одам қадрқиммат тоғмоқда. Қанчалик фидокорона ишласак, мамлакатимизнинг та- раққиётига шунчалик кўп ҳисса қўшишимизни яши биламиз. Юртимизда бугун саноат соҳасида эришилаётган ютуқларни бизнинг комбинатимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Металлургия комбинати жуда катта даргоҳ. Менинг мана шундай юксак муваффақиятга эришишимда Ўзбекистон металлургия комбинати ташкил этилгандан ҳозирги кунгача меҳнат қилиб келаётган, бугунги кунда нафақа гаштини сураётган ва узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилиб, дунёдан ўтган фидойи ҳамкасбларимнинг, айниқса, мен билан елкама-елка ишлаган раҳматли дўстимиз, ўз касбининг моҳир устаси, Ўзбекистон Қахрамони Абдураҳмон Абдуразақовнинг ҳам ҳиссаси бекиёс деб биламан.

Мен пўлат эритувчи бўлиб ишлаётганимдан, мана шу соҳада юртимиз рабнақиға ҳисса қўшаётганимдан, юзлаб шогирдларни тарбиялаётганимдан ва шундай аҳил жамоада меҳнат қилаётганимдан фахрланаман.

Ҳар бир инсоннинг қалбида қайсидир бир касбга ўзгача меҳр бўлади. Ана шу меҳр, ана шу иштиёқ келгуси муваффақиятларга олиб борувчи йўлни кўрсатади. Бугуннинг ёшлариға касб танлаш борасида шундай маслаҳат берган бўлардим: меҳнати қанчалик оғир ёки енгил бўлишидан қатъи назар, қайси касб ёки хунарни танласангиз ҳам ундан бир умр завқ олиб яшанг. Хунарни одам ҳеч қачон хор бўлмайди. Бахт ҳам, саодат ҳам осмондан тушмайди. Аввало, ақл билан, тафаккур билан ҳаётни, бугунги шуқхли кунларни таҳлил қилмоқ керак. Президентимиз ёшларни буюк келажимиз эгалари эканлигини ҳар доим бежиз таъкидламаяптилар. Шундай жаннатмонанд юртга, дунёда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлган давлатга муносиб фарзанд бўлмоқликнинг ўзи улус шарафидир. Шундай экан, ҳар қандай бойлиқдан-да улугроқ бўлган мустақилликнинг қадриға етиб, Ватан учун ёниб, жўшиб яшайлик!

“Оила ва жамият” муҳбири
Турдикул НОРМАТОВ ёзиб олди.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қунидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 3 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйгур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, киприк ўстириш ва дилепляция - 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
Тикувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.
Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МУДЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МУДЖАЛ: Қўнлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ЭЪЛО!

Ўзтрансхизмат уюшмаси томонидан 05.06.2013 йилда Зайнутдинов Анвар Ўткирович номига берилган №02R 001120 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«MODERN CD» қўшма корхонаси тугатилади. Даъволар 2 ой муддатда қабул қилинади.

Тошкент шаҳри Олмазор тумани Қорасарой кўчаси, 269-уй.
Тел: (8371) 248-68-10

Пойтахтимиз кўчаларида болалар арачасига маҳкамланган кўлбола "раста"да курут, pista, сақич ва турли ширинликлар сотиб юрганларга тез-тез дуч келамиз. Маҳсулотлар тур-тури билан тахланган. Курутларнинг катта-кичиклигига қараб бир неча хили бор. Писталарни эса чиройли идишга тўлдириб, уюмлаб кўйилгани ҳар қандай киши эътиборини тортади.

Бейхтиёр бугун республикамызда аҳоли саломатлигига хавф туғдирадиган сифатсиз маҳсулотлар савдоси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда қандай ишлар амалга ошириляётган экан, деган савол кўнгилдан кечеди.

Бу ҳақда республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази матбуот бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Нуриддин ТОШБОЕВ шундай дейди:

— Кейинги пайтларда кафолат муддати аниқланиб, қадоқланган маҳсулотлар, pista, майиздан тортиб ҳатто елимланган курутларни ҳам савдо расталарида учратиш мумкин. Айниқса, уларнинг сифат кўрсаткичлари, ишлаб чиқарилган вақти-соати, сақланиш ҳароратигача аниқ қайд этилгани кишини қувонтиради. Юқорида сиз келтирган ҳолатларга эса бундан беш-олти йил илгари қарийб ҳар қадамда дуч келардик. Кейинги пайтларда эса улар имкон қадар мутасаддилар кўзига кўринмай савдо қилишга уринишмоқда. Бир қарашда арзиманган бўлиб туюлган бу ҳолат охири йўқ муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги кишини ўйга толдиради...

Ўзбекистонда аҳоли саломатлиги билан боғлиқ масалалар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Республикамыз миқёсида ДСЭНМ мутахассислари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ички ишлар ва давлат солиқ бошқармалари ҳамда «Махалла» жамоатчилик фонди ходимлари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида турли юқумли касалликларнинг олдини олиш тадбирларини қулайтириш мақсадида бозорлар, серкатнов кўчалар, транспорт бекатлари ва одамлар гавжум жойларда кунгабоқар pista, сақич, курут, донали сигаретлар ва бошқа турли маҳсулотлар билан савдо қилаётган ноқонуний савдо шохобчаларининг, шунингдек, чакана савдо билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларнинг фаолиятига чек қўйиш, юқоридаги маҳсулотларни гигиеник меъёр талаблари доирасида сотилишини тартибга солиш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

— Кўчада сотиляётган pista ва курут маҳсулотларини инсон саломатлиги



**ПИСТА ПЎЧОФИ:
САЛОМАТЛИККА
НЕЧОҒЛИ ЗИЁН?**

учун зарарли эканини кўп таъкидлаймиз. Айнан мутахассис сифатида бу маҳсулотларнинг саломатлигимизга салбий таъсирини аниқ мисоллар билан тушунтириб берсангиз...

— Кунгабоқар pistaсини сотаётган "савдогарлар" ўз молларини, кўча бўйлари, транспорт бекатлари ёки бевосита хонадонлар дарвозалари олдида, нари борса, омонатгина курси ёки бошқа «ясама раста»га жойлаштириб, савдо қиладилар. Бундай "савдо жойлари"да санитария-гигиена қоидаларига, жумладан, савдо давомида қўлни вақти-вақти билан ювиш, маҳсулотларни хавфсиз сақлаш учун зарур шароитлар йўқлиги барчага маълум.

Одатда, бундай турғун савдо шохобчасига эга бўлмаган шахслар тиббий кўрикдан ўтмаган ва шу сабабли уларнинг юқумли касалликлардан холи, яъни соғломлигини кафолатловчи тиббий ён дафтарчаси йўқ,

энг ёмони, уларнинг юқумли касалликлар ёки айрим хавфли микробларни ташувчи эмасликлари кафолатланмаган. Харидорлар ўзлари сезмаган ҳолда туберкулёз, бактериял ҳамда вирусли дизентерия, ич терлама, вирусли гепатит каби юқумли касалликларни юқитириб олишлари ҳам мумкин.

Писталар сотувга чиқаришдан олдин қовурилади. Ушбу жараён натижасида уларнинг таркибидagi кўпгина касаллик қақирувчи микроблар бирмунча зарарсизланиши мумкин. Лекин тиббиётда "иккиламчи ифлосланиш" деган ибора мавжуд. Одатда, ноқонуний, са-

ли қорамоллар ҳам касалланади. Беморларнинг кўча сатҳига тушган тупуқлари ёки ҳайвонларнинг биологик ажратмалари орқали ташқи муҳитга чиққан микроблар юқори ҳаво ҳарорати, шамол ҳамда бошқа жараёнлар таъсирида қисқа вақтда куриб, ҳавога кўтарилади ва кўча юзиде савдога қўйилган озиқ-овқат маҳсулотларига кўнади.

— Писталарнинг кўча савдосидан ташқари қадоқланган турида ҳам бирор касаллик аниқланиши мумкинми?

— Албатта. Писталарнинг қадоқланиш жараёнидан олдин сақланаётган пайтида

нитария ва меъёр талабларига жавоб бермайдиган савдо нуқталарини бевосита кўча устида жойлашганлиги ҳисобга олинса, pista, донали сигарет ва бошқа маҳсулотлар олиб келинган вақтда сифатли бўлса ҳам, кун давомида савдо жараёнида ифлосланиб, хавфсизлиги қисқа вақт ичида йўқолади, бир сўз билан айтганда, маҳсулотлар инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи манбага айланиши мумкин.

Аҳолининг санитария маданияти кундан-кунга ошиб бораётганлиги билан бир қаторда, кўча юзларини кунгабоқар pista пўчоқлари ва турли чиқиндилар билан ифлослантириб юрадиган, дилларни хира қиладиган манзараларни юзага келишига сабаб бўлувчи фуқаролар хунузгача учрамоқда. Пистани чақиб, пўчоғини кўчага ташлаб кетаётганлар орасида сил касаллиги билан оғриган беморлар йўқлигига ҳам кафолат бериш қийин. Бу хасталик билан қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, айниқса, йирки шох-

тадбиркорларимиз санитария-гигиена қоидаларига амал қилмаган бўлишлари ҳам мумкин. Масалан, pistaлар сақланадиган оғборларда каламуш ва сиқонлар маҳсулотни ўз биологик чиқиндилари (ахлати, сийдик ва сўлаг) билан ифлослантиради. Новосибирсклик олимлар томонидан 2011 йилда ўтказилган тадқиқотлар натижасида аниқланишича, иерсиниоз (псевдотуберкулёз) касаллиги билан оғриган беморларнинг 87 фоизи кемирувчилар чиқиндилари билан ифлосланган pistaларни истеъмол қилган экан...

— Республикамызда аҳолига сифатли pista етказиб бериш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Юртимиз иқлими кунгабоқар етиштиришга қулай бўлганлиги сабабли бу экиннинг қишлоқ хўжалик экинлари орасидаги салмоғи анча юқори. Кунгабоқар ёғли экин-

Йил мавзуси

лар оиласига мансуб бўлиб, ундан олиннадиган мой организм учун керакли Д ва Е витаминлари, тўйинган мой кислоталари ва қатор микроэлементларга бойлиги билан ажралиб туради. Pista қақиш одатини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарқалганлигини эътиборга олган ҳолда, кунгабоқар pistaси истеъмолини хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кўпгина тадбиркорлар кунгабоқар pistaсини санаот асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлар ва улар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб, 8 та корхонада pista ишлаб чиқариш, ўрнатилган тартибда, тасдиқланган техник шартлар асосида йўлга қўйилган бўлиб, мувофиқлик ҳамда гигиеник сертифицикатлар олинган. Ушбу корхоналарда pista хомашёси ювилиб, куриштириб қовурилади ва қадоқлангандан сўнг савдо шохобчаларига чиқарилади. Мазкур тадбирлар pista орқали юқумли касалликларни аҳоли ўртасида тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Рўйхатга олинган корхоналарнинг барчаси 2011 йилдан фаолият кўрсатишни бошлаган бўлиб, Тошкент шаҳрида жойлашган. Бу тажрибани бошқа маъмурий ҳудудларда ҳам амалиётга жорий қилиш мақсадаги мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, тозаланган pista магазинлардан ҳар хил ширинликлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилмоқда.

Эътибор беряпсизми, азиз муштарий, бугун биз фарзандларимизга йўл бўйларида чанг-губорлардан ҳимояланмаган сифатсиз курут ва pistaларни олиб бериб, ўзимиз билмаган ҳолда уларнинг турли хасталиклар билан оғришига сабабчи бўлиб қоляпмиз. Бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик, аввало, ўзимизга боғлиқ. Бу мақолани ўқигач, "Pista қақишдан кўнглим қолди", дегувчилар ҳам орангизда топилиши мумкин. Аммо уни яхшилаб қовурганда саломатликка зиён келтирувчи микробларни ўлишини ҳам инобатга олиш керак. Энг муҳими, сифатсиз маҳсулотлар билан ўзимизнинг ва фарзандларимизнинг соғлигини хавф-хатарга қўймайлик.

Камола АХМЕДОВА.

ОНАСИ

У ҳар доим от устида эди, узатган жойига қўли етарди. Унга қуллук қилувчи ҳам, соясига салом берувчи ҳам кўп эди. Ҳамма таниш, ошна, биродар эди, тегиб кетган қариндоши борки, этагини ушлаб олганди. Телефони бир зум тин олмас, илтимослардан қўлуни қоматта келар, баъзан кимга нима дейишни билмай қоларди.

Иттифоқо унинг даври тугаб, уйда ўтириб қолди. Хотинидан бошқа бевозта қилмайдиган бўлди. Гоҳида кўча-кўйда ушланиб қолса, телефони жиринглаб, таниш рақам намоён бўлади: "Дадаси, келяпсизми, сизни кутиб ўтирибмиз...", "Дадаси, овқат сузаяпмиз,

тезроқ келақолинг", "Телефонингиз ўчирилган экан, хавотир олдим", "Дадаси..."

Унга аёлининг овози бирам ёқимли эшитилди, хузур қиладди ва лаблари бейхтиёр пичирлайди: "Яхшиям сен борсан, онаси..."

БЕГОНА ЎТ

У ҳовлисига экин экиди-ю, қиладиган юмуши бегона ўтларни юлиш бўлди. Аммо ҳар гал эканини суьорганидан кейин ёмғирдан кейинги қўзиқориндай бошини кўтарган ўтларни қўриб энсаси қотди ва юлиб ташлайверди. Ҳосилини йиғиштириб олаётганда ҳам унда-бунда қўшпа

талпинаётган ўтларга кўзи тушди, бунчалик беор бўлмаса булар, деб қўйди.

Аммо экин эккан тупроғи аслида ана шу бегона ўтнинг ўз уйи — ўлан тўшаги эканини хаёлига ҳам келтирмади у.

БАДФЕЪЛ

Унга тикилиб туриб кўзингиз оғрийди, афғи-ангори, юз ифодаси, аламзада қиёфасидан нима демоқчи эканини сезасиз. Мабодо уни тинглашга мажбур бўлсангиз қотган энсангизни яшириб, оғриган кўзингиз билан қараб тураверасиз...

Унинг сўзларини тинглаб чарчаб

Қатрлар

кетасиз-у, муносабат билдиргингиз келмайди, биласизки, битта сўз унга кам, иккитаси ортиқча. Қулиб турган офтобдаги гўзаллик, оймомадаги жозоба, осмон уммониде сузиб юрган булутдаги ўзига хослик, қор ёғишидаги тароват, чақмоқдаги ёруғлик — буларнинг ҳамма-ҳаммаси унга бегона, у фақат дунёнинг қирини кўради, дунёдан иллат қидиради. Шунданми, ўзи ҳам иллат ичида яшайди. Биров: "Феълинг қурсин", деса, биров: "Афтинг қурсин", дейди.

...Унга тикилиб туриб кўзингиз оғрийди.

Лола ЎРОҚОВА.



ТОҒНИНГ ИЛДИЗИ БОР?..

Замонавий геологик кашфиётлар натижасига кўра, тоғларда ер юзидagi тебранишларнинг олдини олувчи хусусият борлиги маълум бўлди. Биламизки, азал-азалдан тоғлар сайёрадаги баландликлар тарзида тушурилган. Тадқиқотчи олимлар тоғ "илдизи"нинг баъзан ўз баландликларидан 10-15 баробар чуқур эканликларини аниқлашган. Масалан, 9 км. баландликда бўлган Эверестнинг 125 км.дан ортиқ илдизи бор экан.



Тоғлар ер юзи қобиғини ташкил қилган катта қатламларнинг ҳаракатлари ва бир-бирлари билан тўқнашувлари натижасида вулдуга келади. Икки қатлам тўқнашган пайт чидамлиси пастга кетади. Уст томонда қолган қатлам буралиб кўтарилади ва тоғ пайдо бўлади. Остда қолган қатлам эса ер остига қараб суриллиб пастга томон чуқур узунлик ҳосил қилади. Шу тарзда тоғлар ер юзидagi кўринишларидан ташқари ер ос-



тига қараб чўзилган чуқур илдиэларини ҳам намоиш этади.

Машҳур сувости геологи, профессор Сиаведа куруқлик ва океан тоғлари орасидаги асосий фарқ уларнинг материалларида эканлигини, ҳар иккисидар ҳам тоғларни қувватловчи илдиэлар мавжудлигини айтади. Океан тоғларида ҳам тоғни илдиэ каби қўлловчи энгил модда бор. Фақат океан тоғларида бу модда унчалик энгил эмас, чунки уларнинг қоришмаси энгил. Аммо улар ҳам Архимед қонунига кўра тоғларнинг мустаҳкам туришлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, профессор Франк Пресснинг "Дунё" номли дарслигида тоғларнинг қозик шакли ва ер юзидa чуқурликларга кўмилган ҳолати таъкидланади.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

ТҶЙ ТҶХТАТИЛДИ

Сизларга мурожаат қилиб, жиззахлик Севара исми, турмуши бузилган қизнинг телефон рақамини олгач, у билан учрашдик. Қўни-қўшиларидаан суриштириб, илиқ гаплар эшитгач, онам совчиликка борди. Ноябрь ойининг ўрталарида иччамгина тўй ўтказишга розилик билдиришганини эшитиб қувондим. Аммо яқинда Севаранинг онаси уйимизга келиб, тўйни шаҳар марказидаги ҳашаматли ресторанда ўтказмоқчи эканини, сарф-харажатларнинг ярмини биз кўтаришимизни айтгач, онам иккилашиб қолди. Тоғам орага тушиб, эл қатори тўй қилиш таклифини билдирганида, онаси собиқ қудаларига ўзининг кимлигини кўрсатиб қўймоқчилигини айтибди. Севара ҳам, катталар ҳам ҳар қанча уришишмасин, барибир, бу аёлни фикридан қайтара олишмади. Ахир иккаламиз ҳам бир мартадан турмуш қуриб, ажрашган бўлсак, бунақа, етти маҳаллага доврүг соладиган тўй қилиш қулгили эмасми?

Отам оламдан ўтиб кетган. Уйимизда фақат мен ишлайман. Синглим талаба. Онамининг нафақаси ўзининг дори-дармонларидан ортмайди. Хуллас, дабдабали тўйни ўтказишга қурбимиз етмагани боис Севарага уйланишдан воз кечдим. **Ёшим 35 да.** 30 ёшгача бўлган Жиззах вилоятда яшовчи, оила қуриб ажрашган аёл бўлса, ҳаётимни боғлаш ниятидаман.

ТОЖИМАМАТ,
Жиззах вилояти.

УМИДИМ САРОВГА АЙЛАНДИ

Мен ҳам бир дунё орзулар билан сеvimли ёр, сариштали келин бўлиш ниятида эдим. Аммо бахт деб ўйлаганларим сароб бўлиб чиқди. Келин бўлиб тушган хонадонимда на отанинг, на онанинг ўрни бор. Қайнотам ичкиликка берилгани боис болалари ҳақида ўйламас, рўзгорнинг барча қийинчиликлари қайнонамнинг зиммасида экан. Хўжайимин ҳеч қаерда ишламас, қўлига бир-икки сўм пул тушса, ичиб, маст бўлиб келар, уззу-

кун телевизор олдини бўшатмасди. Пешонамининг шўрлигини билган бўлсам-да, тақдирга тан бериб чиқадим. Бу орада икки фарзандли бўлдик. Қайнонам билан савдо-сотик қилиб, рўзгорни бутладик. Қуш уясида кўрганини қилади, деганлари рост гап экан. Хўжайимин ҳам отасининг изидан кетаётганди. Уни бу йўлдан қайтариш учун роса уриндим. Аммо фойдаси бўлмади. Туни билан кўчада маишат қилар, кундузи ухлар, кечга бориб мендан пул талаб қиларди. Охири бундай яшаш жонимга теғди ва қонуний ажрашдим. Болаларим тоғасининг



Бахтли бўлинг

қўлида катта бўлишди. Ўғлимни уйлантирдим, қизимни узатдим. Бир она сифатида зиммамдаги вазифамни адо этдим деб ўйлайман. Ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят, турмушга чиқишга қарор қилдим. **Ёшим 50 да.** Иймонли, инсофли ва уй-жойи тайин 58 ёшгача бўлган эркак бўлса хабар берсангизлар.

ҲАЁТХОН,
Сирдарё вилояти.

КўНГИЛСИЗ ТУРМУШ — КўПРИКСИЗ ДАРЁ

— Сизларга қизим Дилбарнинг тақдири масаласида кўнғироқ қилаяман. Унинг **ёши 45 да.** Олий маълумотли. Нуфузли ташкилотда ишлайди. Раҳмдил, юмшоқкўнғил қиз. Бировнинг юзига тик қоқиб гапирди-

ган бетгачопарлик одати йўқ. Тозалик, озодаликини яхши кўради. Турмуш қурганидан сўнг фарзандли бўлишга ҳам улгуролмай ажрашишди. Қуёвимни ота-онаси мажбурлаб уйлантирган экан. Кейин билсак, у линҳона бир жувон билан яшаб юраркан. Ўрганган кўнғил ўртанса қўймас, деганларидек, барибир, уни бу йўлдан ҳеч ким қайтаролмади. Кўнғили йўқ, бирга яшашни истамаган одамни қандай ушлаб туриш мумкин? Кўнғилсиз турмуш — кўприксиз дарё, деганларидек, қизим охири ажрашишга мажбур бўлди. «Йўқ, энди ҳеч кимга теғмайман», деб, келган совчиларниям қайтараверди. Вақтнинг бешафқатлигини қарангки, бу кўнғилсиз воқеаларнинг содир бўлганига ўн йилдан ошди. Агар имкони бўлса, 55 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳрида яшовчи, уйли-жойли, фарзандларидан тинган, диёнатли эркак чиқса, Дилбархонни узатардик.

РАЪНО ая,
Тошкент шаҳри.

РУСТАМЖОН ЎФИЛЛИ БўЛДИ

Ўғлим Рустамжон чақалоқлигида кўзида нуқсон билан туғилганди. Йиғлаб-сиқтаб бу кўргуликка кўнидик. Аммо Оллоҳ уни чиройли овоз билан сийлади. Махсус мактабда ўқиш билан бирга мусиқа сирларини ҳам ўрганди. Олий ўқув юртини тугатиб, қўлига диплом олган куни эса барчамиз бирдек қувондик. Ҳозир у махсус мактабда ўзи каби кўзи ожиз болаларга мусиқадан сабоқ берапти.

Бундан уч йил бурун Рустамжонни "Оила ва жамият" газетаси орқали ўзи каби нуқсон билан Гулниса исми қизга уйлантирилган эдик. Яқинда улар фарзандли бўлишди. Небарам Азимжон соғлом туғилганидан хурсандчилигимизнинг чеки йўқ. Кўнғили ўқис боламнинг дилини шод айлаганингиз, ҳаётини қувончга тўлдирганингиз учун сизлардан жуда-жуда миннатдорим.

САПУРА,
Тошкент вилояти.

АНОР Табиат — дорихона

Анор фойдалилиги ва шифобахшлиги билан бошқа мевалардан ажралиб туради. Нафақат меваси, балки, пўсти, шохлари ҳамда илдиэ пўстлоғи ҳам қони фойда.

Таркиби органик кислоталар, қанд моддаси, С витамини ва бошқа бирикмаларга бой. Пўстлоғи таркибида алкалоидлар, ошловчи моддалар, смола (елим) ва бўёқ моддалар бор.

Ибн Сино мева пўстини қон тупуриш ва милқдан қон кетишини тўхтатиш, тишни мустаҳкамлаш ҳамда меъда касалликлари (ич кетиш, қон аралаш ич кетиш), яраларга ва бошқа хасталикларни даволашда, шунингдек, сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўллаган.

Халқ таботатида ич кетиш, дизентерия ва тери касалликларини (қўтирни) даволаш, йўталга қарши, сийдик ва гижжа ҳайдаш учун ишлатилади. Мева шираси цинга (милк хасталиги) касаллигига даво бўлиб, иштаҳа очиш учун ҳам истеъмол қилинади. Мевасидан сиқиб олинган суви болалар учун энг яхши ҳарорат туширувчи вазифасини ўтайди.

Тиббиётда анор пояс, шохлари ва илдиэ пўстлогининг доривор препаратлари организмдаги гижжаларни ҳайдаш учун, шунингдек, пўстининг қайнатмаси меъда-ичак касалликларини (ич кетиш, қон аралаш ич кетиш ва дизентерия) даволашда қўлланилади. Ўсимлик гули истиско (водянка), қўтир, оғир йўтал, ичбуруғ, сариқ касалликлари, тишни мустаҳкамлаш, сийдик ҳайдашга даво.

Анор мевасининг пўстидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан сув қўйилиб, устига бир чой қошиқ майдаланган мева пўстидан солинади. Бироз қайнатилгач, икки соатга дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузилади. Ушбу қайнатма юқорида айтиб ўтилган касалликларга шифо сифатида қунига уч маҳал овқатдан олдин ичилади. Бундан ташқари, нафас йўллари шамоллаганда, томоқ оғриганда, оғиз шиллиқ пардаси яллиғланганда (гингивит ва стоматит), милқдан қон оққанда оғиз ва томоқ шу қайнатма билан чайилади.

20 гр. куруқ пўсти ёки 50 гр. анор мевасига 200 мл. сув солиб, паст оловда 30 дақиқа қайнатилади, докадан ўтказилиб, қунига 2 маҳал 2 ош қошиқдан юқорида келтириб ўтилган хасталикларга қарши ичилади.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Фойдали Маслаҳатлар

Шиадан ясалган идишларингиз ялтираб туришини истасангиз, уни аввал илиқ сувда ювиб, кейин совуқ сувда чайинг.

Қўл сиғмайдиغان чинни вазалар ичини ювиш учун унга гижимланган қоғоз солиб, сўнг илиқ сув қуйиб, яхшилаб чайқанг.

Сизни атирнинг хушбўй ифори узоқ вақт тарқ этмаслигини истасангиз, бунинг учун кулоқ орқасига куруқ терилар учун мўлжалланган крем суртинг. Кейин устидан атир сепсангиз кифоя.

Сабзи шарбатини тайёрлашдан олдин сабзини артиб, бир соат давомида сувда ушлаб туринг. Шунда ундаги организм учун зарарли бўлган кимёвий моддалар чиқиб кетади.

Сочларни мунтазам фен билан қуритиш, қуёш нурларида қуйдириш, ўта иссиқ сувда ювиш бошда қазғоқ пайдо бўлишига олиб келади.

Майдаланган мускат ёнғоғини сутга қўшиб ичиб юриш инфаркт касаллигидан сўнг тезроқ тузалишни таъминлайди.

Танангиздан ҳар доим хушбўй ҳид тараблиб туришини истасангиз, чўмилишга мўлжалланган сувга 1-2 боғ ялпиз қўшинг.

Гулноза БОБОЕВА
тайёрлади.

ТЕЛЕФОНДАГИ “ТОМОША”ЛАР

Кўшни маҳалладаги Нурали хориждан қайтган куниеқ хотинини ҳайдаб юборганини эшитганларнинг юраги увишиди. Лекин ҳеч ким ҳайрон бўлмади. Шамсиянинг телефон орқали топган эрмаги охир-оқибат оиласини барбод қилиши тайин эди. Шўрлик эр бола-чақа боқаман деб, тиниб-тинчмайди, хотиннинг кутқуси билан хорижга ишлагани кетган. Аёл эса...

Шамсия «адашиб» рақамига кўнги-роқ қилган эркак билан эринмай гаплашди. Бора-бора бу суҳбатларга шира кириб, ошиқона тус олди. Кейин эркак учрашиш таклифини билдирди. Гарчи иккаласи ҳам оилали, учтадан норасидаси бор эди... Аёл Россиядаги эри юборган пулни олиш баҳонасида марказга бориб, гоёибона ошиғи билан учрашди. Кўз кўзга тушиб турганда гаплашиш қийин экан, тезгина изига қайтди. Шундагина нотўғри иш қилганини тушунди. Бунинг устига, ошиғи у тасаввур қилганидек эмас экан. Эркак эса махфийроқ учрашувга қистар, ҳатто бирга қочиб кетиш режасини тузиш учун кетма-кет кўнги-роқ қиларди. Шамсия энди бу балодан қандай қутулишни билмасди, дарди ичига сиғмай, кўшни аёлга маслаҳат солди. Қарабсизки, бир hafta ўтмай, гап болалаб кетди. Ҳатто Россиягача етиб борган, Нурали дарҳол йўлга чиқди. Ҳеч кимдан суриштирмасдан, остонадаёқ хотиннинг жавобини берди.

Хуллас, битта оила дарз кетди. Телефонни деб... Аслида, узогимизни яқин қиладиган, бемисл дастёр техника мўъжизасидан шунчаки эрмак, вақт ўтказишнинг қизиқарли вое-ситаси сифатида фойдаланадиган

саргузашталаблар кўпинча шундай вазиятларга тушиб қолаётгани бор гап. Кап-катта одамлар телефонда танишиб, енгил-елпи муносабатларга берилса, ёшлар нима қилсин?

Бу борада мисоллар бисёр. Мана биттаси: унаштирилган қиз бошқа вилоятдаги бир йигит билан телефон орқали (яна «адашиб!») танишиб қолади. Йигитнинг хушомадларига учиб, тўйи ҳақида айтмайди, тақилла-тиб юра-



веради. «Рақамни алмаштириб олсам, кутуламан», деб ўйлайди. Аммо кундан-кун гаплари қовушиб, ўзи ҳақида кўп маълумотларни айтиб қўйганини сезмай қолади. Тўй ўтади. Келинчак бу танишувни аллақачон унутиб юборган пайтда «севгилис»ни бирданига йўқотиб қўйган йигит жасорат кўрсатиб, уни излаб келади ва суриштириб юриб... янги уйдан топади. Яна жанжал, яна қўйди-чиқди...

Телефондан чиққан жанжалларнинг ҳаммасида ҳам «қарс» икки

Ойна

қўлдан чиқмайди. Атай эрмак излаб алоқага чиқадиганлар (улар кўпинча тахминан рақам теришади) асабни шундай пармайдики, айниқса, кечки соатлардаги кўнги-роқларга жавоб беришга кўнги-роқ чопмай қолади. Айниқса, махфий рақамлардан юрак зада.

— Бир сурбет телефонимга махфий рақамдан кўнги-роқ қилиб, эрим билан уриштириб қўйди, — дейди «Билай» офисига йиғлаб келган аёл. — Биринчи марта қанча гапни айлантирмасин, қисқа жавоб бериб ўчириб қўйгандим. Қайта-қайта кўнги-роқ қилавергач, эрим олганди: «Телефонни эгасига бер, биз анчадан бери гаплашиб юраемиз», дебди. Эримдан ба-лога қолдим, менга ишонмаяпти! Ай-бисизлигимни исботлаш учун келдим. Рақамини аниқлаб беришсин, излаб топаман яраманси!

Компания вакиллари муаммони ҳал қилишга киришиб кетишди. Мавҳум рақам эгаси ҳам аниқланар, топилар, лекин дарз кетган кўнги-роқ шиваси тикланармикини?

Бундай мисолларни ўнлаб келтириш мумкин. Телефондан фойдаланиш маданияти борасида кўп айтилди, мана энди, унинг ортидан келиб чиқётган жанжаллардан ташвишга тушяпмиз. Ҳаммасига сабаб — телефонни овунчок, гап сотиш воситаси деб билувчиларнинг кўплигидир. Айниқса, уззукун уни қўлидан қўймайдиган ёшларни тергаб туриш, хушёр бўлиш биз катталарнинг вазифамиз. Техника тараққиётининг ҳар бир маҳсули ўзи билан ҳам зўр имкониятлар, ҳам маълум хавфни бошлаб келишини унутмайлик.

Гулчеҳра АСРОНОВА.

АЛИМЕНТ ТўЛАШГА МАЖБУР

Собик турмуш ўртоғим билан ноқонуний, яъни фақат шаръий никоҳ асосида яшаган эдик. Ҳозир ўртамизда икки нафар фарзандимиз бор. Қонуний никоҳимиз бўлмаса ҳам, у кишининг иш жойидан болаларим учун алимент пули ундиришим мумкинми?

Ж. Маматқулова.

Ўзбекистон Республикаси «Оила» кодексининг 96-моддасида ота-оналар вояга етмаган фарзандларининг таъминоти учун алимент тўлаши лозимлиги белгиланган.

Алимент вояга етмаган болаларнинг ота-оналари никоҳда туриши ёки никоҳда турмаслигидан қатъи назар, вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун уларнинг ота ёки онасидан ундирилади. Бунинг учун алимент олувчи жойлардаги фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиши лозим.

Агар алимент тўловчи шахс уни ўз ихтиёри асосида тўлашга рози бўлса,

унинг алимент тўлаш тўғрисидаги мажбурияти тарафларнинг ўзаро келишуви асосида расмийлаштирилади. Бунда алимент тўловчи билан алимент ундирувчи шахс нотариал идорага келиб, ўз хоҳиш-истакларини тушунтириб, ўзаро келишув шартномасини тузишлари керак.

Оида кодексига кўра, ушбу келишув ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланади. Нотариал тасдиқланган келишув ижро варақаси кучига эга бўлади ва алимент тўловчининг иш жойидан белгиланган шартлар ва муддатларда алимент олувчига ойма-ой ундириб берилиши шарт.

ТАЪМИНОТ ТАЛАБ ҚИЛИНМАЙДИ

Ёшим 68 да. Кўп йиллар олдин ўз қилмишимга яраша оталик ҳуқуқидан маҳрум қилинган эдим. Лекин шундай бўлса-да, фарзандимга иш жойимдан ўз вақтида алимент тўлаб келганман. Ҳозирги вақтда эса касалман, олаётган нафақам дори-

дармонларимга етмаяпти. Энди мен ҳам ўз ўғлимдан таъминот учун пул талаб қилишим мумкинми?

Н. Аҳмедов.

Суд қарори билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар ўз болаларига таъминот бериш, яъни алимент тўлаш мажбуриятинан озод бўлмайди. Чунки бу мажбуриятнинг мақсади вояга етмаган болани таъминлашдан иборатдир.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки она ўзига тегишли болаларига нисбатан қариндошлик фактига асосланган ҳамма ҳуқуқларидан маҳрум бўлади.

Шунингдек, ота ёки она кексайиб, меҳнатга қобилиятсиз ва ёрдамга муҳтож бўлиб қолганида вояга етган болаларидан таъминот талаб қилиш ҳуқуқини ҳам йўқотади.

Саволларга Тошкент вилояти Янгийўл тумани ФХДё бўлими мудири Дилором БОЙЖОНОВА ва Олмалиқ шаҳар ДНИ нотариуси Зебунисо МАҲМУДОВА жавоб берди.



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ... ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ ГАЛАБАСИ

Тошкент шаҳрида дзюдо бўйича якунланган Гран-при туркумидаги халқаро мусобақада бешта олтин, учта кумуш ва бешта бронза, жами ўн учта медаль жамғарган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Мусобақада спортчилар совринли ўринлар ва навбатдаги ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколари учун бахшлашди.

90 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан спортчиларимиз — Шерали Жўраев ва Эркин Дониёров ўртасидаги финал баҳси жуда кескин рўхда ўтди. Унда зафар қучган Шерали полвон илк маротаба Гран-при туркумидаги мусобақада олтин медални қўлга киритди.

Турнирда ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратган Шарофиддин Лутфуллаев, Мирзохид Фармонов, Мирали Шарипов ва Сойиб Қурбонов ҳам терма жамоамиз ҳисобида биттадан олтин медаль келтирди.

Эркин Дониёров, Рамзиддин Саидов, Болтабой Болтаев кумуш, жаҳон чемпионати совриндори Дилшод Чориев ва Яхё Имомов бронза медалли билан тақдирланди.

Гран-при турнирининг хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларида ҳамюртларимиздан Нодира Гулова, Гулноза Матнӣёзова, Санаяиш Еркинбоева бронза медалли соҳиби бўлди.

Велоспорт. Таиланд пойтахти Банкок шаҳрида велотрек бўйича Осиё кубогининг дастлабки босқичи якунланди. Нуфузли мусобақада терма жамоамиз аъзолари биттадан олтин, кумуш ва бронза медалига сазовор бўлди.

Интернет манбасида ёзилишича, иктидорли спортчимиз Юрий Шермаҳмедов гуруҳ баҳсларида маррага биринчи бўлиб етиб келган. Спортчиларимиздан Алла Безуглова ва Владимир Тўйчиев ўз йўналишларида совринли ўринларни эгаллади.

Трамполин. Даниянинг Оденсе шаҳрида ўтказилган жаҳон кубогининг учинчи босқичида ўзбекистонлик спортчилар Екатерина Хилько ва Анна Каспарян бронза медалини қўлга киритди. Спортчиларимиз мусобақанинг синхрон сакраш баҳсларида 43,8 балл тўплаб, шоҳсултаннинг учинчи поғонасидан жой олди.

Шахмат. Пойтахтимизда тезкор шахмат бўйича турнир ўтказилди. Швейцарча тизимда тўққиз турдан иборат бўлган мусобақада Азамат Аҳмедов 7,5 очко билан биринчи ўринни эгаллади. Элбек Алиқулов иккинчи ва Одил Раҳмон учинчи бўлди.

Интернет манбалари асосида
И. ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассаслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом аялдоқ учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлхатлар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори йенида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон
МУСУРМОНОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусаҳҳиҳлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 йилда рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1028. Формати А3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 6634. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибия: 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5